Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-YIL • 10-MART • PAYSHANBA • 29 (27.364) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Миллий қадрият

НАВРЎЗ — ЧИНАКАМ ХАЛҚ БАЙРАМИ

Унинг тарихи халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ, у ҳам узоқ ўтмишдан бугунги кунгача кўп тазйиқларни, синовларни бошдан ўтказди. Лекин, янгиланиш, яшариш, покланиш, эзгу ният, гўзаллик тимсоли сифатида одамлар қалбида яшаб келди

Халқимизнинг бебаҳо миллий қадрияти, маънавий мероси, гўзалдан-да гўзал байрами ҳисобланган Наврўз неча ёшдалигини ҳеч ким аниқ айтолмаса керак. Унинг тарихи ҳақида турли маълумотлар, башоратлар, ривоятлар мавжуд. Наврўзга «Айёми шариф» — «Шарофатли кун», «Янги кун», «Йил боши», «Байрамлар шоҳи» каби кўпдан-кўп таърифлар берилган. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюк аждодларимиз асарларида Наврўзи олам тарихи, моҳияти ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу манбалар гувоҳлик беришича, Наврўз араблар истилосидан анча илгари даврларда ҳам кенг нишонлаган.

Бир донишманддан Наврўз қачондан бошлаб байрам қилинган, деб сўралганда у Ой ва Қуёш пайдо бўлган пайтдан, деб жавоб берган экан. Абу Райҳон Беруний эса шундай ёзган: «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидан, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир». Яъни, Наврўз баҳорда кеча ва кундузнинг тенглашадиган вақти, кузда бу ҳолатнинг такрорланиши эса Меҳржон деб аталган. Яна бир рамзий томони шундаки, баҳорда қадалган уруғ, қилинган меҳнат ҳосили кузда йиғиб олинган, баҳорги ишлар поёнига етган.

Наврўз қайси замондан бошлаб байрам тусини олганини аниқ айтиш қийин бўлса-да, бир нарса ҳақиқат: бугун биз нишонлаётган байрамлар орасида Наврўз энг қадимгиси ҳисобланади. Одамзот қачон ақл-фаросат билан яшай бошлаган, қиш ўтиб баҳор келиши муқаррарлигини қачон англаган, қачон деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган? Ўша пайтлардан бошлаб Наврўз нишонланган, байрам қилинган бўлса не ажаб. Қишдан соғомон чиққан, қуёшли кунларга етган, табиат уйғониб, егуликлар пайдо бўла бошлаганини кўрган, англаган одамзот кўнглида байрамона кайфият уйғониб, ўз тирикчилиги, турмуши учун ҳаракатга тушган бўлиши табиий.

Наврўз фақат ўйин-кулгу, шоду хуррамликдан иборат бўлиб қолмаган. Наврўзга тайёргарлик доирасида ва байрам кунлари амалга оширилади-ган юмушлар, ўтказиладиган тадбирлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган. Ота-онадан фарзандларга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу анъаналарнинг айримларига эътибор берайлик.

Инсон боласи борки, меҳмон кутадиган, тўй қиладиган бўлса ёки байрам арафасида энг аввало, уйини, ҳовлисини саранжом-сариштa қилади, остонасини, йўлакларни супуриб-сидиради. Ўзи ҳам ювиниб, тараниб, янги ёки тоза кийимларни кийиб олади. Чунки, меҳмон кутиш, тўй ва байрамларни ўтказиш инсоннинг энг эзгу туйғулари билан боғлиқ. Бундай пайтларда одамнинг кўнглидан ғуборлар кўтарилади, дил яйрайди, яшаради. Қадим-қадим замонлардан бери халқимиз Наврўзни ана шундай ҳис-туйғулар билан худдики, келин тушираётгандек, орзу-ҳаваслар билан кутиб олган. Бошқача айтганда, ота-боболаримиз Янги кун, Янги йил ҳисобланмиш Наврўзга тозалик, покизалик билан, яхши орзу ниятлар билан пешвоз чиқишган. Пок, тоза жойга фаришталар келади, кир-чир, хунук жойларни шайтон ўзига макон қилади, деб ҳисоблашган. Тозалик бор жой хосият бўлишини яхши билишган.

Наврўзга тайёргарлик, уни кутиб олиш ва нишонлашнинг ўз расм-русумлари, одобномаси бор, албатта. Шулардан энг муҳими, уч ойлик қишнинг рутубатли кунларидан сўнг уй-жойлар саранжом-сариштa қилинган, жамоа жам бўлиб уюштирилган ҳашарларда маҳалла, қишлоқ кўчалари тозаланган, чорвоғу боғлар тартибга солинган, кўчатлар ўтказилган. Энг муҳими, одамлар руҳан покланишган, қалблари гўзаллашган, гина-кудуратлар унутилган, бир-бирларини кечиришган, ҳатто уруш-жанжалларга чек қўйилган. Ҳамма бир-бирига фақат яхшилик тилаган.

Мазмун-моҳияти фақат эзгулик, инсонпарварлик ғояларидан иборат бўлса-да, кўнгилларга меҳр-оқибат уруғларини сочган бўлса-да, Наврўз узоқ йиллар давомида босқинчилар томонидан юритилган турли сиёсатлар қурбони бўлди, камситилиб, оёқ ости қилиб келинди.

Дастлаб, араблар бу байрамни тақиқлашди. Аммо халқ қалбидан, хотирасидан сидириб ташлай олмади. Улар Наврўзни йўқ қилишга кўзлари етмагач, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ўтишди. Наврўз удумларига диний маросимларни аралаштириб юборишди.

Шўро замонида эса Наврўзга диний сарқит, иллат деб айб қўйилди, туҳмат қилинди. Қизил империянинг «дин — афюн» деган шиори бор эди. Демак, диний байрам сифатида Наврўз ҳам афюн ҳисобланди.

2-бет

ТЮРИНГИЯДА ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИ МУҲОКАМАСИ

Тюрингия федерал ўлкасининг Гера шаҳрида «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти» мавзуида ахборот семинари бўлиб ўтди

Семинар кун тартибидан республикамиз ва Тюрингия ишбилармонлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари ўрин олди. Тюрингия жадал суръатларда ривожланаётган Германия федерал ўлкаларидан бири бўлиб, йиллик маҳсулот айирбошлаш ҳажми 8 млрд. еврони ташкил этади. Бу ерда «Цейс оптик», «Опель», «Бош», «Шотт Гласс» сингари машҳур немис компанияларининг заводлари жойлашган.

Семинарда тўқимачилик, қурилиш, энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва озиқ-овқат саноати соҳаларида фаолият кўрсатаётган 40 дан зиёд немис фирмалари ва компаниялари вакиллари иштирок этишди.

Гера савдо ва иқтисодий палатаси бош директори Петер Хёне ўз нутқида Ўзбекистон ГФРнинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодни янада эркинлаштириш, хорижий сармоядорлар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Тюрингиялик ишбилармонлар савдо-сармоявий ҳамкорлик имкониятлари, хорижий сармоядорлар ва компаниялар фаолияти учун яратилган имтиёзлар ҳамда ўзбек томонининг озиқ-овқат, қурилиш ва кимё саноати соҳаларидаги дастурларни биргаликда амалга ошириш борасидаги таклифлари билан атрофлича танишдилар. Семинар давомида бўлиб ўтган қизғин мунозараларда немис ишбилармонлари ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишга катта қизиқиш билдиришди. Жумладан, улар икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида жорий йилнинг май ойида тюрингиялик ишбилармонлар делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш ҳақидаги Гера савдо-иқтисодий палатаси таклифини қўллаб-қувватладилар.

Баҳриддин АСЛАНОВ,
«Жаҳон» АА
Берлин.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТИ

Қизилқум кенгликларидан қазиб олинаётган нодир металл ва маъданлар сафига фосфорит кукуни ҳам қўшилди. 2000 йилларга қадар у валюта ҳисобига Ҳамдўстлик мамлакатларидан келтириларди. Энди эса ўзимизда — Қизилқумда ишлаб чиқарилаяпти.

Бунга осонликча эришилмади. Дастлаб жаҳон ҳамжамиятидан йирик инвестор — сармоядор изланди. Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан «Зарафшонньюмонт» қўшма корхонаси каби Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигидаги Қизилқум фосфорит комбинатига ҳам асос солинди. Унинг лойиҳа қиймати (1995-1996 йилларда) 28 миллион АҚШ долларига тенг эди. Маблағ таъминотини германияликлар бўйнига олишди ва босқичма-босқич технология ажратишга киришдилар. Швеция, Россия мамлакатларининг минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи фирма ва компаниялари билан ҳам мол айрибошланди.

Ниҳоят 1996 йил бошларида Навоий тоғ-металлургия комбинати тасарруфида қурилиши бошланган корхона 2000 йилда хомашё бера бошлади. Дастлаб йилига 400 минг тонна, 2-линияси ишга тушгач 600, 2003 йилларга келиб эса 700-800 минг тонна фосфорит кукуни ишлаб чиқарилди. Бу йил эса мажмуанинг йиллик қуввати 1 миллион тоннага етди. Бу айтишга осон-у, аммо салмоқли рақам!

Президентимиз 2002 йилнинг 17 мартида олтинтопарлар шаҳри — Зарафшонда, фосфоритчилар диёри — олис Қизилқумда бўлиб, сарҳадсиз саҳрони жавоҳирлар сандиғи, дея таърифлаганди. Дарвоқе, янги комбинат ёнидаги «Тошқўрғон» конига инвестиция жалб этилгач, давлатимиз хазинасига валюта туша бошлади. Ўзимизнинг Кўқон, Олмалиқ, Самарқанд фосфорит, суперфосфат заводлари учун йилига бир миллион тоннагача хомашё етказиб берилмоқда.

— Мажмуа заҳирасида, қайта ишлашга зарур тоғ-жинслари яна юз йилларга етади, — дейди корхона мутахассиси Юрий Золотарёв. — Шу йил охиригача комбинат тўла қувват билан иш бошлайди. Демак, биз йиллик ишлаб чиқаришни ўртача 1 миллион 200 минг тоннага олиб чиқамиз. Табиийки, комбинат ишчилари сони ҳам ошиб, улар қарийб минг нафарга етади...

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон энди чет элдан ўғит ресурслари харид қилмайди. Аксинча, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан Навоий «Азот» аммофосини ҳам, Қизилқум фосфорли ўғитини ҳам кўз-кўз қилиб соф валюта ҳисобига сотаради.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП ХАБАРЛАРИ

ЎзХДП Нукус шаҳар кенгашида партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республикамиз Президентининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасининг мазмуни, белгиланган устувор вазифаларни бажаришда ЎзХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисида фикрлашиб олинди.

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши томонидан ташкил қилинган «давра суҳбати» ҳам шу мавзуга бағишланиб, унда шаҳар, туман партия ташкилотларининг биринчи котиблари, ХДП депутатлик гуруҳи раҳбарлари иштирок этдилар. Иштирокчилар Президентимиз маърузасида жамоат ташкилотлари, хусусан, ХДП тузилмалари олдига ҳам катта вазифалар қўйганлигини таъкидладилар.

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг Баёнотига бағишланди. Фракция Баёноти маъқулланди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Эрматов Баёнотда эълон қилинган партия позицияси ва ёндашувларини оммага тезроқ етказиш зарурлигини таъкидлади.

ХДП Урганч туман кенгаши навбатдаги пленумида Президентимизнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва партия ташкилотларининг жорий йилдаги фаолиятига доир асосий йўналишларини муҳокама қилди. Кун тартибидаги масала юзасидан ХДП туман кенгаши биринчи котиби Х.Ваисчановнинг маърузаси тингланди.

Долзарб мавзу

Болалар адабиёти:

ТАРБИЯ, МАЪНАВИЯТ, МАСЪУЛИЯТ

Ўзлигини англаган миллат эртанги ворислари бўлмиш болаларини комил шахслар бўлиб улғайиши йўлида аждодлардан мерос тарбиявий тамойилларга таянади. Мурғак бола қалбида эзгулик уруғлари вақтида ундирилмас экан, бундай ҳолатда улар ёлғон ва ёт тушунчаларга мойил бўлиши, ҳосил бўлган бўшлиқни кимдир эгаллашга уриниши тарихда ҳам, бугун ҳам кўп маротаба кузатилган. Шу боис, азал-азалдан халқимиз яхшиликка чорловчи, Ватанга садоқат руҳидаги эртагу ҳикоятлар воситасида болаларни тарбиялашга ҳаракат қилган.

Донишмандлардан бири айтган экан: «Виждонан қасамёд этаманки, мен ватанимни дунёда ҳеч нарсага алмаштиришни ёки аждодларимиз тарихидан бошқа бир тарих бўлишини истамайман...» Бу ҳақиқатни фарзандларимиз қалбига муҳрлайдиган қудратли куч эса миллат мураббийи бўлган болалар адабиётидир.

Боланинг ҳайратларга тўла нигоҳи қадалган дунёни митти тасаввурлар шаклида жонлантиришдан тортиб, улғаяётган авлод қалбида истиқлол чечакларининг ниҳол ёзишига, уларни она Ватанга, киндик қони тўкилган муқаддас заминга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга масъул бўлган ўзбек болалар адабиёти бугун том маънода янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Мустақилликдан сўнг тикланган асрий қадриятлар, унут бўлиб кетган анъаналарнинг қайта кўз очиши унинг олдига мустабид замонлардаги каби айтмоқчи бўлган гапини минг бир қўрқув ва андиша билан эмас, балки рўйрост, бой бадиий бўёқларда ифода этиш имконини берди.

Хўш, булардан нечоғлик фойдалана олаяпмиз? XXI асрда, янгиланган тафаккурга эга авлодни вояга етказишда болалар адабиётининг ўрни қандай бўлади? Биз бу борадаги саъй-ҳаракатларга назар ташлаш мақсадида болалар адабиёти жонкуярлари ва мутахассисларга мурожаат этдик.

2-3-бетлар

Газетада босилмади, аммо

УЙ ТАЪМИРЛАНАДИГАН БЎЛДИ

Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 27-уйда яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан таҳририятимизга мактуб келган эди. Шикоят хатида тўрт қаватли уйнинг қарийб 20 йилдан бери қаровсиз ётгани, ёмғир-қордан чакка ўтиши, иситилмаганидан деворларнинг зах босаётгани, кекса, ногирон, айниқса, болалар шамоллаб, касалликка чалинаётгани ҳақида ёзилганди. Таҳририят аралашуви ва унинг саъй-ҳаракати билан бу муаммолар ечимини топди.

Яқинда шу масала бўйича жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Шикоят хатида баён этилган камчилик-нуқсонлар асосан тасдиғини топди. 27-уйда яшовчилар шароитини яхшилаш мақсадида, иссиқ ва совуқ сув тизимининг мунтазам ишлаши таъминланди. Уйни таъмирлаш ишлари эса 2005 йилнинг 2-чораги режасига киритилди. Агар, баъзи сабабларга кўра хонадон соҳибларининг техник хизмат бўйича йиғилиб қолган 400 минг сўмлик тўловларини ундириш амалга оширилса, таъмир ишларини янада тезлаштиришга имкон яралган бўлади.

Иккинчи уй-жойдан фойдаланиш масъулияти чекланган жамият раиси Х.БЕКЖОНОВ»

Шоҳмот

БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ИККИ ДАВРА

Шоҳмот юришлари сайқал топган ҳозирги кунда гроссмейстерлар учун дурангга эришиш қийин эмас. Рустам Қосимжонов биринчи даврада кучли гроссмейстерлар билан дуранг ўйнаб, бу вазифани бажариш унга ҳам чўт эмаслигини исботлади. Лекин бундай нуфузли мусобақада таваккал қилмаслик мумкин эмас. Айниқса, кузда мутлақ жаҳон чемпионлиги учун мусобақа белгиланган пайтда юксак марраларни кўзлаган шоҳмотчи хотиржам дона сура олмайди.

Рустам ҳам иккинчи давра ўйинларини жанговар кайфиятда бошлади. Тўғри, у Каспаров, Ананд, Топалов ва Валехо билан бўлган ўйинларда ютқазди. Лекин Рустамнинг мағлубиятлари ҳам кўпчилик шоҳмот мухлисларида ёрқин таассурот қолдирди. Чунки Рустам ҳеч бир ўйинда курашсиз таслим бўлмади. Ҳатто Адамс билан бўлган ўйинда топқир юришлари билан дурангга эришди.

Албатта, ҳеч бир гроссмейстер мағлубиятдан тўлиқ ҳимояланган эмас. Биз Рустамнинг Линаресдаги мағлубиятларидан фожиа ясамаслигимиз керак. Рустам учун Линарес мусобақаси ҳам кузда мутлақ жаҳон чемпионлиги учун бўладиган мусобақа олдидан жиддий тайёргарлик эканлигини унутмаслигимиз лозим. Кўҳна ҳикматда айтилгандай, машқда қанча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади.

Линарес мусобақасида шоҳмотчилар қандай дона сураётганини улар тўплаган очколарга қараб, ўзингиз хулоса чиқаришингиз мумкин: Каспаров — 7,5; Ананд ва Топалов — 6 тадан; Леко — 5; Адамс — 4,5; Қосимжонов ва Валехо — 3,5 тадан очко.

Асрор МЎМИН

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

НАВРЎЗ — ЧИНАКАМ ХАЛҚ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сумалак тўла дошқозонлар ағдариб ташланган, Наврўзга дахлдор тадбирлар тақиқланиб, назорат остига олинган пайтларда яширинча сумалак пиширилган, баҳор келгани, Наврўз келганидан қалбларда тўлиб-тошган қувончларни, шодликларни яшариб яшашга мажбур кунлар бўлди.

Шўро замонида Наврўз ўрнига халқимиз турмушига сунъий байрамларни тиқиштиришга ҳаракат қилинди. Қорбобо, Аёзбобо, Қорқиз деган табиатимизга ёт афсонавий удумлар бизга узоқ совуқ ўлкалардан олиб келинди. У байрамлар дастурхони ҳам бизга бегона эди. Наврўз дастурхони эса ўзига хос, аниқроғи, табиатга хос, моддий олам қониятларига мосдир. Бу дастурхонга азал-азалдан ароқ, вино, колбаса эмас, балки сумалак, ҳалим, кўк патир, кўк сомса, кўк чучвара, кўк ош сингари баҳорнинг турли хил тансиқ таомлари, қандолатлар қўйилади.

1989 йилга келиб бу муқаддас байрам тарихида янги давр бошланди. Бугун нафақат бизга, дунёга ҳам маълумки, мамлакатимизга Ислом Каримов раҳбар бўлиб келгач, у ўз фаолиятини халқимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қадр-қимматини жойига қўйиш ва тақиқланган, таҳқирланган миллий қадриятларимизни тиклашдан бошлади. Ўша йилнинг ўзидаёқ Наврўзни мамлакатимизда эмин-эркин нишонлашга рухсат берилди. 1990 йилдан эса 21 март — Наврўз куни дам олиш куни, деб эълон қилинди ва Наврўзни республикамизда миллий байрам сифатида кенг нишонлаш бўйича махсус қўмита тузилди. Бу қадам одамларни қанчалик қувонтирган бўлса, шунчалик ҳайратга ҳам солган эди. Қизил империя яшаб турган бўлса, Наврўз шунча йиллардан бери тақиқланиб келинган бўлса-ю янги раҳбар Наврўзни бирданига тикласа, оқласа!..

1991 йил 21 март куни Юртбошимизнинг Наврўз муносабати билан халқимизга Қутлови матбуотда эълон қилинди. Унда шундай сўзлар бор эди: **«Наврўз айёми баҳор келиши, табиат уйғониши, гўзалликнинг очилиши демакдир.**

Бу кун ҳар бир шахс, ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзу-ниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган кун».

Ушбу қутловда етмиш йил давомида шўро ҳукумати сиёсати билан турли бўҳтонларга учраган, тақиқланган Наврўзга ҳақиқий, холис баҳо берилди. Шу билан Наврўзга ҳукумат муносабати тамоман ўзгарди. Наврўзи олам илк бор миллий байрам сифатида нишонланди. Ҳатто Наврўзнинг эзгулик, яхшилик, олижаноблик ва инсонпарварликка йўғрилган анъаналарига амал қилиниб, жамият учун унча хавфли бўлмаган жиноятлар содир этиб, қамоқ жазосига ҳукм этилганларни авф этиш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди.

1992 йилда эса мамлакатимиз илк бор мустақил бўлиб, Наврўзни кутиб олди, кенг нишонлади. Ўшанда Юртбошимиз республикамиз фуқароларига йўллаган табригида шундай деган эди: **«Мустақил Ўзбекистон янги умидлар билан фасли Наврўзга қадам қўймоқда.**

Орзу-армонларимизни, мустақиллигимизни, бизни дунё тан олганини бугун гулга бурканаётган она табиатнинг ўзи кўриб турибди...

Халқимиз бошидан кечираётган қийинчилик, ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Лекин доно ва чидамли, насибаси бутун халқимиз билан бу оғир синовлардан ҳам ёруғ юз билан чиқишимизга ишончимиз комил».

Ўшанда бу тарихий кунлар моҳиятини англаган, бу сўзлар замирида қандай буюк мақсадлар борлиги, қандай улуғ ишлар бошида турганимизга фаҳми етган ҳамюртларимиз қувонч ёшлари билан Наврўзни кутиб олишган эди. Юртбошимиз ўша муқаддас кунларда, бундан ўн уч йил илгари билдирган эзгу-ниятлар амалга ошаётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мана, бу йил биз мустақил юрт сифатида, дунёда ўз сўзи, овози бор юрт сифатида, ўзимизга, ўз тарихимизга муносиб иззат-ҳурмат қозонган ҳолда Наврўзни кутиб олаяпмиз. Наврўз поклик, озодалик, тоза қалб билан кутиб олинса, шунга яраша яхшиликлар бўлиши ҳақиқатлигини ўтган ўн уч йил мисолида ҳам кўриш мумкин. Чин дилдан ўйлайлик: бундан ўн уч йил муқаддам кўчаларимиз, кўприкларимиз, меҳмонхоналаримиз, дўконларимиз, бозорларимиз қандай эди-ю бугун қандай?!

2005 йилни биз яхши ниятлар билан Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилдик. Сиҳат-саломатликнинг ўзи ҳам кўп жиҳатдан тоза турмуш тарзига, пок ниятга боғлиқлиги, тозалик нафақат гўзаллик, айни чоғда саломатлик экани инсониятга неча асрлардан буён маълум. Ўз уйини, ҳовлисини, маҳалласини, қишлоғини, шаҳарини тоза тутиш ҳар кимнинг диди ва фаросатига боғлиқ албатта. Фаросатли уй бекаси, маҳалла оқсоқоли, туман ёки шаҳар раҳбари ҳеч кимдан буйруқ кутмай, ўз ақли, ички маданияти билан бу ишларни амалга оширади. Афсуски, айрим жойларда, кўп қаватли уйлар орасида, йўллар четида, ҳатто болалар боғчалари ёки мактаблар атрофида хунук манзараларга кўз тушади.

Тозалик ҳозир, айни шу кунларда ўта муҳим масала. Қиш бўйи қор остида ётган чиқитлар ҳаво исигач нимага айланади? Ифлосгарчилик турли касалликларни тарқатиши мумкинлиги оддий одамга ҳам сир эмас. Яна бир номаъқул одат кўпайса кўпайиб бораяптики, лекин камаймаяпти. Узоқ вақт бир жойда тўпланиб қолган чиқиндилар тегишли идоралар томонидан олиб кетилмагач, ёқиб юборилянти, ундан чиқаётган аччиқ тутун, заҳарли газ одамлар, айниқса, болалар соғлиғига зиён етказмайди, деб ким айта олади.

Одамзот ўзи дуч келган ҳар қандай гўзал манзарадан завқ ва ором олади. Табиийки, ёмон манзара дилни хуфтон қилади, кайфиятни, асабни бузади. Яшайдиган жойимиз, юрадиган йўлимиз, маҳалламиз, юртимиз тозалиги, саранжом-саришталиги эса ўзимизга боғлиқ.

Инсон ҳар доим ўтган кундан, ҳаётдан сабоқ олиб яшайди. Наврўзимиз бошига тушган кунлар, узоқ ва яқин ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиб, бугунги кунлар тароватига, ҳусну-жамолига қараб, аждодларимиз айтиб кетган ҳикматлар ҳақлигига яна бир карра имон келтирасан киши: «Поклик, озодалик бор жойда файз, қут-барака бўлади. Эзгуниятли, кўнгли тоза одамлар ишини Яратганнинг ўзи ўнглайди».

Сафар ОСТОНОВ

ЎзХДП хабарлари

ФРАКЦИЯНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Кейинги вақтларда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, икки палатали янги парламент расман иш бошлади. Шубҳасиз, унинг фаолияти бугун бутун халқимиз диққат-эътиборида. Айниқса, Қонунчилик палатасида содир бўлаётган жараёнларни ҳар биримиз оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бормоқдамиз.

Яқинда учта сиёсий партия — ЎзЛиДеП, ФМДП, АСДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари «Демократик блок»ка бирлашдилар. Албатта, бу парламентаризмимиз тарихида янги воқеа. Шу муносабат билан ЎзХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси баёнот берди ва буни профессионал парламентнинг амалда қарор топишида қонуний ва зарурий босқич, деб баҳолади. Шунинг билан биргаликда парламент озчилиги сифатида фаолиятини давом эттиражагини билдирди.

Биз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг баёнотида қайд этилган фикр ва хулосаларни қўллаб-қувватлаймиз. Партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда, яъни Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш ишларида фаол иштирок этиш биз учун ўта долзарб масала ҳисобланади. Шу билан бирга сўллик позициясидан келиб чиқиб, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш партия ташкилотларимиз фаолиятининг устувор йўналишига айланганлигини таъкидлаймиз. Биз ҳам партиямиздан сайланган депутатларнинг жамиятда аёлларнинг мақомини ошириш, ёшларни касб-ҳунарга йўллаш ва ўқишни тугатгандан сўнг ишга жойлашиши ҳамда коммунал хизматларни тубдан яхшилаш бўйича қонунлар ва қонуности ҳужжатларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишларини истаймиз. Шунингдек, ушбу масалалар юзасидан ҳар доим амалий таклифларимизни беришга тайёрамиз.

Абдуолим БЎРИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши биринчи котиби

✧✧✧

ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг баёнотини тўла-тўкис маъқуллайди. Бундан буён партиямиз Қонунчилик палатасида сўл қанот бўлиб, кам таъминланган аҳоли қатламлари эҳтиёжларини ёқлаб чиқади, аҳолининг яхши турмуш кечириши учун курашади, юртимизда тинчлик, осойишталик, демократиянинг тўла таъминланиши учун ҳамма имкониятларни ишга солади.

ЎзХДП сайловолди Дастурида таъкидланганидек, мухолиф сифатида курашда партиямиз янада чиниқади ва бу аёвсиз синовлар доирасида янада кўп аҳоли қатламларини ўзининг халқпарвар, меҳрибонлик амаллари билан ўзига жалб этади. Жамиятимизнинг келажакда иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Партияни аҳоли билан боғлайдиган асосий бўғин унинг қуйи ташкилотларидир. Шундан келиб чиқиб, биз партиямиз сиёсатини, хусусан, мазкур баёнот мазмун-моҳиятини фуқароларимизга етказиб бориш юзасидан қатор тадбирлар режасини ишлаб чиқдик.

Саидмурод КАРИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши биринчи котиби

Данғара туманидаги «Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғини қошида тикувчилик корхонаси иш бошлади. Ҳозир бу ерда маҳалланинг саксон нафар хотин-қизи меҳнат қилмоқда. Улар кунига 150 дона махсус ишчи кийимларини тикишяпти.

— Аёлларни иш билан таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аббосхон Назиров. — Ўтган йили маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида «Коммунал хизматларни тўлашда намуна кўрсатган маҳалла» республика танлови бўлиб ўтган эди. Унда биз олти миллион сўм пул мукофоти билан тақдирлангандик. Ана шу маблағга йигирмата тикувчилик дастгоҳи сотиб олинди. Бу эса бир талай ишларни амалга оширишга имкон яратяпти. Эътиборлиси, корхонамиз маҳсулотларига Россия, Қозоғистондан ҳам буюртмалар тушмоқда.

✧✧✧

Суратда: тикувчилар Майрамхон Тожиева ва Мавжуда Мамажонова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Муносабат

СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУДЬЯ МАСЪУЛИЯТИ

Давлатимизда одил судловнинг таъминланишига қаратилган қатор сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий ва моддий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, суд ҳокимияти мустақиллигини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди. Судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши ҳамда дахлсизлиги Конституция билан тўла кафолатланди. Судлар ихтисослаштирилиб, жиноят ишлари, фуқаролик ишлари ва хўжалик ишлари бўйича алоҳида-алоҳида, бир-бирига тобеъ бўлмаган судлар ташкил этилди.

Судьяларни танлаш ва тайинлашнинг демократик ҳуқуқий механизми яратилди. Жиноий жазолар либераллаштирилди, иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий таъсир чораларини қўллаш жорий этилиб, одил судловни амалга оширишнинг муҳим шаклларидан бўлган — ярашув, апелляция ва кассация институтлари суд жараёнига киритилди. Жиноятларнинг таснифи ўзгарди: ўта оғир бўлмаган тоифага киручи ҳамда ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар сезиларли даражада кенгайтирилиб, ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби кескин қисқартирилди. Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача камайди. Айни вақтда ўлим жазосини хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўллаш тамоман ман этилган. Жиноий жазо чораси ҳисобланган мол-мулкни мусодара қилиш қонунчиликдан чиқариб ташланиб, суд жараёнига тортишув принципи киритилди. Прокуратура органларининг суд ишларига аралашуви чеклаб қўйилди.

Буларнинг барчаси суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийликни қарор топтириш ҳамда фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилиш баробарида одамларнинг судга бўлган ишончларини маълум даражада оширди. Шу билан бирга, Юртбошимиз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида таъкидлаганидек, «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз». Булар, прокуратура органлари ваколатларининг бир қисмини ва айниқса, санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, амалдаги жазо тизимидан ўлим жазосини бутунлай чиқариб ташлаш, судьяларнинг масъулиятини кучайтириш эканлиги Юртбоши томонидан қайд этилди.

Фикримизча, ушбу муаммоларнинг энг асосийси ва биринчи навбатда ҳал этиш талаб қилинадигани бу судьянинг обрўси, унинг масъулиятини ошириш масаласи ҳисобланади. Чунки, одил судловни Ўзбекистон Республикаси номидан амалга оширишга ваколат берилган судьянинг ўзи масъулиятсиз, обрўси нари-бери бўлса, суд ҳокимиятининг мустақиллиги у ёқда турсин, ҳатто суд ислоҳотлари ҳақида сўз юритиш мушкулдир. **«Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди»,** — деганида Юртбошимиз минг бор ҳақ эдилар.

Шунинг учун ҳам суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг обрўсини янада юқори поғонага кўтариш учун даставвал, ҳар бир судья онги, дунёқараши ва тафаккурида ўзгариш қилиш, ундан ҳалол, покиза, камтарин, холис ва адолатли бўлиш, Ватанга, халққа ва Президентга садоқатли бўлиб, фақат қонун ва виждон амрига бўйсуниш талаб этилади.

Назаримизда, ана шунда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар янада кўпроқ самара бериб, жамиятда ҳақиқий мустақил суд ҳокимияти қарор топади, шунга мос ҳолда судьянинг обрўси ва нуфузи ҳам ортади. Фуқаролар суд идорасининг жазоловчи эмас, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи мустаҳкам қалъа эканлигига кўпроқ ишонади.

Исматулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси

УЧИНЧИ ОЛТИН МЕДАЛЬ

«Шуманай момиғи» акциядорлик жамиятига қарашли Шуманай пахта тозалаш заводи — Қорақалпоғистон Республикасида илғор корхоналардан бири. Корхона меҳнат аҳли ҳар йили пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш шартномавий режаларини ошириб бажармоқдалар.

Февраль ойи ўрталарида жамиятга Женева шаҳридан хушхабар келди. Унда корхона жамоасининг жаҳон бозорига чиқариб сотган маҳсулоти Халқаро сифат жамғармаси бошқарувининг олтин медали билан мукофотлаш ҳақида қарор қабул қилингани ҳамда мукофотни топшириш маросими 31 мартда бўлиши баён этилганди. Тантанада қатнашиш учун жамият раиси Тонгатар Есмурзаев номига таклифнома ҳам бор эди.

— Учинчи марта олтин медалга муяссар бўлаяпмиз, — дейди Т.Есмурзаев. — Тўғриси, бу мукофот жамоамиз меҳнатига берилган баҳо. Ўтган йилда 9583 тонна пахта қабул қилиб олдик. Унинг момиғи катта даромад келтириши билан бирга уруғлик чигит тайёрлашда ҳам қўл келаяпти...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Болалар адабиёти:

ТАРБИЯ, МАЪНАВИЯТ,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири:

— Мустақиллик йилларида ўзбек болалар адабиёти эришган энг катта ютуқ шуки, у миллатимизнинг ўзлигини йўқотишга, маънавиятимизни таҳқирлашга, келажагимизни топташга қаратилган, четдан зўравонлик билан олиб кирилган ёт мафкурага хизмат қилишдек ғоявий қарамликдан бутунлай тозаланди. Бироқ ҳозирда эркимизнинг қадр-қиммати нечоғли юксаклигини фарзандларимиз қалбига чуқурроқ сингдира оладиган бадиий асарлар етарли эмаслигини фақат афсус билан таъкидлаш мумкин. Демак, болалар олдида катта қарзимиз бор.

Миллий истиқлол ғоясини ёш авлод онгига сингдирмай туриб, тараққиётимизнинг ёркин келажагини таъминлаб бўлмайди. Бунда китобнинг алоҳида ўрни, вазифаси бор. Болалар адиблари жаҳоннинг барча мамлакатларидаги каби юртимизда ҳам қаламкашларнинг жуда озчилик қисмини ташкил этиши, кўламли ва тортимли бадиий асарлар узоқ ижодий жараён маҳсули эканини назарда тутсак, нисбатан тезкор, ҳозиржавоб жанр ҳисобланган бадиий публицистиканинг кучига ҳам кўпроқ таянганимиз дуруст.

Илгарилари болалар нашриётларида бу соҳада алоҳида бўлимлар бўларди, ўнлаб китоблар чоп этиларди. Бугунимизнинг ёш қаҳрамонлари йўқми? Масалан, қишнинг аёзи, ёзнинг жазирамасига чидаб, фермер отасининг оғирини енгил қилиш иштиёқида жонбозлик кўрсатаётган деҳқон боласи ёки қишлоғи довруғини дунёга таратиш орзусида яшаётган истеъдодли ёш спортчи ҳақида очерклар, публицистик қиссалар яратиш мумкин-ку!

Яна бир нарсани қайд этиб ўтмоқчиман. Мустақилликни шарафлаш, «эрк» деган сўзнинг замирида яшириниб ётган улкан саодатни улуғлаш, фарзандларимизни замонамиз фидойилари қилиб вояга етказиш асосий вазифамиз эканини эътироф этган ҳолда, кечаги кулфатларни ҳам эслаб, сабабларини таҳлил қилиб турмоғимиз лозим. Ўтмишдаги қурғоқчилик офатларидан бехабар авлод бугунги ям-яшил экинзорларнинг файзини ҳис қила олмаганидек, лоақал яқин кечмишимизда Алимқул сардор, Номоз полвон, Қурбонжон додҳолар нимани қўлга киритиш учун курашганларини, Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби сиймолар қандай ғоя йўлида қурбон бўлганлигини тўкис англаб етмоқларини, уларга туйғудошлик ҳисларини юрак-юракка жойлай олмасак, болаларимиз давримиз нафосатини тўлиқ туйишлари қийин бўлади. Бу мавзулар, энг аввало, мактаб дарсликларидан кенг ўрин олмоғи зарур. Чунки ўғил-қизларимизни зуқколик ва фикрчанликка етакловчи китобларнинг шайдоси қилиб тарбиялашда оила ҳамда мактабнинг аҳамияти каттадир.

Ҳукуматимиз ёш авлод тарбиясига бошқа мамлакатлар ҳавас қиладиган даражада катта маблағ сарфлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Болалар адабиёти мана шу таълим-тарбиянинг ажралмас бўлагидир. Уни янада жонлантириш — бир қараганда, болалар адибларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш, уларнинг юрагига ўт ташлаш, қулай ижодий шароит яратиб бериш билангина боғликдек кўринади.

Лекин ҳақиқий ижодкор учун энг муҳими бу эмас. Адиб қилаётган иши бошқаларга кераклигини, айтганлари кўпчиликка етиб бораётганини, уларни қизиқтираётганини, нашриётлар унинг асарларини очиқ бағир билан кутаётганини ҳис этиб турса, қўлидаги қаламни ҳеч қандай куч ёзишдан тўхтатиб қололмайди. Масалага шу томондан қаралса, болалар нашриётлари фаолиятини кучайтириш, китоб савдоси тизимининг ирмоқлари энг чекка қишлоқларгача етиб боришига эришиш, болаларга аталган ҳар бир китоб ҳозиргидек 3-5 минг нусхада эмас, 30-50 минг нусхада босилиб, барча мактаб кутубхоналарида мавжуд бўлишини таъминлаш, адиблар ва ўқитувчиларнинг ижодий учрашувларини ташкил этиб туриш — болалар адабиётини янада жонлантирувчи омиллардир.

Яхши китоб дўконда туриб қолмайди, деган гапни болалар адабиётига нисбатан қўлламаган маъқул. **Тарбия доим болани излаган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бола тарбияси мунтазам эътиборни, доимий ғамхўрликни, қулай муҳит яратишга қаратилган маблағни талаб этади.** Бу борада озгина парвосизликка йўл қўйсак, бошқа «магнит»лар фарзандларимизни биздан тортиб олишлари ҳеч гап эмас.

Турсунбой АДАШБОЕВ, шоир:

— Ҳозир республикамизнинг қатор вилоятларида Рустам Назар, Эрпўлат Бахт, Қўзи Исмоил, Дилшод Ражаб, Содиқ Иноятов, Зафар Исомиддинов, Муқимжон Қодиров, Неъмат Душаев каби кўплаб болалар шоирлари бор. Улар бугунги ўзбек болалар адабиётига янгича қарашлар олиб кираётган кейинги авлод вакилларидир. Агар эътибор кўрсатилса, ижодий муҳит яратилса, асарлари ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилса, улар келгусида ҳақиқий бадиий кашфиётлар ярата оладилар. Афсуски, болаларимиз уларнинг ижод намуналаридан тўлалигича баҳраманд бўлолмаяпти. **Қанийди, Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, нашриётлар биргаликда бу шоирларга буюк боболаримизга атаб ҳужжатли, болаларбоп асарлар ёздиришса. Бу билан ёшларимиз онгини ёт мафкуралардан асраган, уларни аждодларимизга нисбатан ҳурмат ва самимий муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшган бўлардилар.**

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг машҳур геолог-олим Иброҳим Ҳамрабоев ҳақидаги очерки бор. Мана шу асарда муаллиф бўлажак олимнинг илм истаб ўз қишлоғидан Тошкентгача ялангоёқ, пиёда келганини тасвирлайди. Қандай ибратли ҳикоя. Бугун шунга ўхшаш асарларни кўпроқ ёзишимиз керак.

Шу ўринда яна бир муаммони айтиб ўтишим ўринли. Ҳозирги болалар матбуоти «сариқ матбуот» ичига кўмилиб кетди, десам янглишмайман. Болаларга мўлжалланган нашрларни ўқисангиз, буни ўзингиз ҳам ҳис қиласиз. Уларда босилаётган мақолалар болаларимиз савиясини пасайтиради, холос. Аслида болаларга аталган ҳар қандай нашрда илмий-маърифий руҳ етакчи бўлиши керак.

Ҳозир ўзбек болалар адабиётида панд-насиҳат руҳидаги шеърлар, ҳикоялар ниҳоятда уруғлаб кетди. Бу эса болани бездириб қўяди. Болага тўғри юр, ақлли бўл, ўзингдан каттани ҳурмат қил, дейиш аслида боғча тарбиячисининг, ўқитувчининг иши. Шоирнинг вазифаси — ақлни чархлайдиган, мустақил фикрлашга ундайдиган асарлари орқали боланинг маънавиятини кўтаришдир.

Ўзбекистон — болалар мамлакати. Шундай экан, болалар адабиётига алоҳида ғамхўрлик, эътибор зарур деб ўйлайман. Масалан, республикадаги мактаблар сони, уларда қанча бола ўқиётгани, ҳар йили бу болаларга атаб қанча китоб нашр этилаётгани атрофлича таҳлил этилмоғи, назорат қилинмоғи керак.

Фарзандларимизнинг пок эътиқодли, имон-инсофли, меҳнатсевар, ҳалол ва ҳақиқатгўй инсон бўлиб камол топишларига хизмат қиладиган асарлар мумтоз адабиётимизда ҳам етарли. Буларни шарҳ ва изоҳлар билан болаларбоп нашрларини амалга ошириш керак. Бир сўз билан айтганда, болаларимиз учун фалсафий руҳдаги, туғилиб ўсган Ватанни, она-юрт меҳрини ҳис қилишга ундайдиган асарлар яратайлик. Шу орқали болалар маънавиятининг кемтик ўринларини тўлдирайлик...

Эркин МАЛИКОВ, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бадиий адабиёт бўлими мудири, ёзувчи:

— Болалар адабиёти фақат миллий адабиётимиз билангина чекланиб қолмайди. Уни жаҳон адабиёти дурдоналари билан ҳам мунтазам бойитиб бориш зарур. Тўғри, ўтган асрнинг 80-йилларида бу савобли ишга қўл урилган, дастлабки таржималар кўп минг нусхада нашр ҳам этилганди. Бироқ бугунги ёш китобхон савиясига мос келадиган янгича бадиий талқин ва кўламдаги асарлар етишмайди. Шу боис, болаларга аталган ноёб асарларни қайта чоп этиш, янгиларини эса таржима қилиб, салмоқли бир туркум сифатида нашр қилишга киришиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. **Демак, ўз-ўзидан жаҳон болалар адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўгирадиган таржимонларга ҳам эҳтиёж сезилади. Шу ўринда бу машаққатли юмушга бел боғлаган ижодкорларни таҳририятларга жалб қилиш, уларнинг моддий манфаатдорлиги масаласини ҳам алоҳида ўйлаб кўриш керак.** Жаҳон биздан, биз жаҳондан ўргансаккина чин маънодаги болалар адабиёти шаклланади. Ва у ўз навбатида мустақил мамлакатимизнинг болалари учун тарбиявий дастурга айланади.

Шу маънода нашриётимиз ўтган йиллар ичида жаҳон болалар адабиётидан Марк Твен, Жюль Верн, Даниэл Дефо, Ханс Андерсен, Чингиз Айтматов каби буюк адиблар асарларини чоп этиб, ўқувчилар қўлига етказди. Бу йил ҳам Т.Виссоснинг «Етим қолган опаука», Д.Бисеэмнинг «Чумоли ва шакар», Ш.Перронинг «Она ғоз эртаклари» каби бир қанча китобларни нашр этиш кўзда тутилган.

Абдурахмон АКБАР, шоир:

— Давр, замон болалар шоирлари зиммасига ҳеч қачон бугунгидек масъулиятни юкламаган. Бу эса, аввало, ижодга ўта жиддийлик билан ёндашишда, нафақат бугунги кун, балки келажак авлодларга ҳам хизмат қила оладиган бадиий асарлар ёзиш лозимлигида кўринади.

Халқаро ҳамжамият босими туфайли

Сурия мудофаа вазири Абдул-Раҳим Муроднинг маълум қилишича, Сурия Ливаннинг жануби ва шимолидан ўз қўшинларини олиб чиқа бошлади.

Сурия қўшинлари Ливанга 1976 йилда, яъни фуқаролар уруши бошлангандан кейин киритилган эди. 1980 йилда Ливанда 40 минг суриялик ҳарбий бор эди. Бугун эса уларнинг сони 14 минг. Сурия қўшинлари Ливанда фуқаролар урушини тугатиш ва тинчлик ўрнатишга (1990 йил) ёрдам берди.

Яқинда Сурия ва Ливан ҳарбий қўмитаси ҳамкорликда ўтказган йиғилишдан кейин Сурия ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қарорни имзолаганди. Сурия томонининг айтишича, жаҳон ҳамжамиятининг ўсиб бораётган тазйиқи бу қарорга келишга сабаб бўлди.

Иерихон фаластинликлар назоратига ўтади

Исроил бир неча кун ичида Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида жойлашган Иерихон шаҳри устидан назоратни Фаластин мухторияти ҳукуматига топширишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Бу ҳақда Исроил ва Ғазо минтақаси чегарасида жойлашган «Эрец» назорат пунктида Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос ва Исроил мудофаа вазири Шаул Мофаз иштирокида бўлиб ўтган учрашувда келишиб олинди.

Иерихон янги тинчлик режаси бўйича Фаластин мухторияти назоратига ўтиши керак бўлган бешта аҳоли турар жойлардан биридир.

Шарҳ

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:
ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё жаҳондаги йирик давлатларнинг геосиёсий манфаатлари кесишган минтақа. Шунинг учун ҳам бу ердаги мамлакатларнинг хавфсизлик ва ҳамкорликка йўналтирилган кўптомонлама алоқалари жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ана шу йўналишда изчил сиёсат юритиб келаётганлиги ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг мамлакатимизда бўлганлиги ва икки давлат ўртасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланганлиги ана шу сиёсатнинг амалдаги натижасидир.

Агар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини кузатсангиз, минтақадаги Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Афғонистон каби давлатлар билан кўптомонлама алоқаларимиз мўътадиллигидан ва изчил ривожланиб бораётганлигидан мамнун бўласиз. Тўғриси, бундай сиёсат минтақада йирик мамлакатлар геосиёсий манфаатлари кескинлашувининг олдини олиш имконини бермоқда. Айтайлик, Ўзбекистон ташқи сиёсатда мўътадилликни АҚШга нисбатан ҳам, Россияга нисбатан ҳам, бошқа манфаатдор ҳар қандай давлатга нисбатан ҳам сақлаб турибди. Биз учун қўшнининг қайси миллатга мансублиги эмас, яхшилиги ва яқинлиги муҳим. Сиёсатда тарафкашлик эмас, ҳамкорлик ва ҳамфикрлилик керак. Минтақада манфаатларнинг тўқнашуви ва вазиятнинг кескинлашуви эмас, аксинча, барқарорлик, тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик зарур.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Покистон мулоқотлари катта аҳамиятга эга. Бу икки давлат, икки халқнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Давлатларимизнинг жаҳон кун тартибида турган масалаларга ёндашувларида ўхшашлик бўлса, халқларимизнинг ҳаётларида, қадриятларида ва иймон-эътиқодларида яқинлик бор.

Покистон Осиёдаги йирик давлатлардан бири. Аҳолиси 140 миллионга яқин. Шунинг 97 фоизи мусулмонлар. Майдони 796 минг квадрат-километр. Пойтахти — Исломобод шаҳри. Мамлакатнинг Карочи, Лахор, Файсалобод, Равалпинди, Ҳайдаробод, Мултан каби йирик миллионер шаҳарлари бор. Покистон мафтункор манзаралар, қўплаб тарихий ёдгорликлар, маданий ва маънавий қадриятлар, қадимий тараққиёт даражаси жиҳатидан Миср ва Месопотамия билан рақобатлаша оладиган, иқлими жиҳатидан салқин, иссиқ, ёғин-сочинли кунлар алмашиб турадиган, ўта меҳнатсевар ва ўта меҳмондўст инсонлар мамлакати. Шу жиҳатдан ҳам бизнинг юртимизга ва халқимизга ўхшаб кетади.

Мамлакатда урду ва инглиз тиллари расмий тиллар мақомига эга. Президент давлат раҳбари ҳисобланади. Қонунчилик органи — икки палатали парламент. Мамлакатнинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётида партиялар ва анъаналар муҳим аҳамият касб этади. Демократик қадриятлар ривожланиб боряпти.

Ўзбекистон мустақилликка эришганида Покистон уни биринчилардан бўлиб тан олди. Дастлабки расмий алоқалар 1992 йил бошидаёқ йўлга қўйилди. Йилнинг биринчи ярмида Покистон бош вазири мамлакатимизга ташриф буюрган бўлса, йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистонга расмий ташриф билан борди. Ўшандаёқ икки томонлама муносабатларга дахлдор салмоқли ҳужжатлар имзоланганди. Энергетика ва ирригация, почта ва телекоммуникация алоқалари, инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш, банклар ҳамкорлиги соҳаларида имзоланган ҳужжатлар шулар жумласидандир. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласи шундан кейинги турли даражадаги учрашувларда ҳам томонларнинг диққат марказида бўлди.

Энди Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг шу йил март ойидаги учрашувлари, олиб борилган музокаралар ва эришилган натижаларга келсак, ҳаммаси ҳақида матбуотимизда тўлиқ маълумот берилди. Биз уларни такрорламоқчи эмасмиз. Биз фақат муҳокама этилган айрим масалаларнинг моҳиятига ҳамда эришилган натижаларнинг аҳамиятига эътибор қаратмоқчимиз.

Жумладан, Покистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига қўшилиши билан боғлиқ масалани олайлик. Покистон раҳбари бу борада Ўзбекистоннинг ёрдамига умид қилишини айтди. Хабарингиз бор, Афғонистонни ШҲТга тортиш масаласини ҳам Ўзбекистон кўтарган эди. Демак, яна ташаббус кўрсатишга тўғри келади. Бу масаланинг ташкилий жиҳати. Агар моҳият жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, Покистоннинг ШҲТга қўшилиши вазият тақозо этаётган зарурат. Чунки Покистонга террорчилик ва экстремизмга қарши курашнинг олдинги сафида турган давлатлардан бири сифатида қаралмоқда. Мамлакатда бу кураш тобора кучайиб бораётганлиги сабабли илгари бу ердан паноҳ топган террорчиларга эндиликда шафқат йўқ. Покистон танлаган бу йўл ШҲТга аъзо мамлакатларнинг бу борадаги мақсад ва интилишларига мос. Терроризмга ва наркобизнесга қарши курашдаги ҳамкорлик, аввало, Покистоннинг ўзига, қолаверса, бутун минтақага манфаат келтиради. Бугунги кунда биз Покистонни минтақада барқарорликни таъминлашда ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутувчи мамлакат сифатида эътироф этамиз.

Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон БМТни ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурмоқда. Бу ғоя БМТ ва унинг тизимларини, Бош котиб ва унинг ваколатларини, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сони ва қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлашнинг таъсирчан механизмини яратиш билан боғлиқ таклифлардан иборат. Ўзбекистоннинг бу ташаббусига БМТ доирасида ҳамда алоҳида давлатларда қизиқиш катта. Ислом Каримовнинг Парвез Мушарраф билан мулоқотларида ҳам бу масала кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий алоқалар ҳамиша Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган. Ҳукуматимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жанубдаги денгиз порталарига чиқиш имкониятларини излаб келди. Биз Эрон орқали денгизга чиқиб, бу имкониятдан маълум даражада фойдаланмоқдамиз. Олдимизда яна бир қулай имконият турибди. Бу Покистон орқали жанубдаги денгиз соҳилларига чиқишдир. Шу пайтгача бунга Афғонистондаги вазият халақит берарди. Энди вазият ўзгаряпти. Бу мамлакатда бўлиб ўтган сайловлар ва Ҳамид Карзай ҳукумати олиб бораётган сиёсат Ўзбекистоннинг тўғридан-тўғри Покистон портларига чиқиши ҳамда Покистоннинг ўз транспорт тармоқлари ва Афғонистон орқали Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан боғланиши учун қулай имкониятлар яратади. Президентлар ана шу масалани ҳам муҳокама қилдилар. Шунингдек, Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидаги нефть-газ конларини разведка қилиш ва ўрганишга қизиқиш билдирганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Битта эътиборга молик ҳолатни қиёсламоқчимиз. Агар Исломобод 1991 йилнинг охирида Тошкент учун дастлабки кредит линиясини очган бўлса, 1992 йилдаёқ ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 4,2 миллион долларга етди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 8,4 миллион долларни ташкил этди. Тўғри, бу жуда катта кўрсаткич эмас. Сабаби, ўтган даврда кўпроқ иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа жиҳатига эътибор берилди. Яъни қўшма корхоналар сони мунтазам равишда ошириб борилди. Ўтган йили ана шу корхоналар томонидан қарийб 19,5 миллиард сўмлик товарлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Томонлар бундан кейин ҳам Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида ишлайдиган қўшма корхоналар сонини ошириш масаласини муҳокама қилдилар. Агар келишиб олинганидек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон қўшма комиссияси фаолиятини такомиллаштириш чоралари кўрилса, сўзсиз, ҳамкорликнинг янги истиқболли имкониятлари яратилади.

Шубҳасиз, бу имкониятлар ўзгаларнинг геосиёсий манфаатларига эмас, балки Ўзбекистон билан Покистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Жиноятчиларнинг исми аниқланди

Президент Виктор Юшченконинг маълум қилишича, Украина Бош прокуратураси журналист Георгий Гонгадзе ўлимига алоқадорликда гумон қилинаётган шахсларга расман айблов эълон қилди.

Юшченко бу ишнинг очилиш суръатлари ўзини қониқтирганини билдирди.

Мамлакат бош прокурори Святослав Пискун журналистни ўлдиришда бевосита қатнашган шахслар қўлга олинганини маълум қилди. Унинг айтишича, журналистни ўлдиришга буюрган шахснинг кимлиги аниқланган.

Гонгадзе иши бўйича учта офицер ва халқаро қидирувда бўлган Украинанинг собиқ ташқи разведка департаменти бошлиғи жиноий жавобгарликка тортилади.

Жарроҳлик амалиёти ўтказилади

Шу ҳафтада АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтоннинг юраги атрофида жарроҳлик амалиёти ўтказилиши маълум қилинди.

Шифокорлар юрак олдидаги тўқималарнинг бир қисмини ва у ерда йиғилиб қолган суюқликни олиб ташлашмоқчи. Шундан сўнг собиқ президентнинг юрак фаолияти изга тушади.

Кўпроқ имкониятларга эга

Халқаро ҳотин-қизлар куни байрами муносабати билан БМТ бош котиби Кофи Аннанинг сўзлаган нутқида бугуннинг аёллари ўз ҳуқуқларини яхшироқ тушунишларидан ташқари уларни амалга ошириш учун аввалги йилларга қараганда кўпроқ имкониятга эга эканини айтиб ўтди.

Халқаро хотин-қизлар байрамининг нишонланиши 1909 йилда Америкадаги тўқимачилик саноатининг фаол аёллари оғир иш шароитлари ва ёш болаларнинг эксплуатация қилинишига қарши чиқиши билан боғлиқ. Айнан ўша пайтдан эътиборан бу кун байрам сифатида жаҳонда кенг нишонланиб келинади.

Масхадовнинг ўлими тасдиқланди

— Мен Масхадов Толстой-Юрт қишлоғида ўлдирилганлигини тасдиқлайман, — деди Шимолий Кавказдаги Россия ҳарбий штаби вакили, генерал-майор Илья Шабалкин. — У ерда ҳарбий тўқнашув рўй берди. Масхадов қишлоқда жойлашган уйнинг бункерида бекиниб олган эди, — деди у.

— Агар айтилган маълумотлар рост бўлса, бу ҳарбий операциянинг барча қатнашчиларини давлат мукофотларига тавсия қилинглар, — деди Россия президенти Владимир Путин.

Чеченистон Республикаси раиси Таус Жабраилов ҳам Масхадов ўлимини тасдиқлади.

Яқин вақт ичида Масхадов шахсини аниқлаш учун экспертиза ўтказилади.

Бош вазир истеъфоси

Собиқ Югославиядаги ҳарбий жиноятлари бўйича Гаага трибунали томонидан айбловлар эълон қилингач, Косово бош вазири Рамуш Харадинай истеъфога чиқишини маълум қилди.

— Мен истеъфо ҳақидаги аризам билан президентга мурожаат қилдим. Мен айбсизман, — деди Харадинай.

Гаага трибунали бу борада ҳали ҳеч нарса дегани йўқ.

Кучли портлаш

Бағдод марказида кучли портлаш содир бўлди ва бир киши дунёдан кўз юмди.

Полиция вакилларининг маълумот беришича, террорчилик ҳаракати Ироқ полиция ходимлари меҳмонхонаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги олдида амалга оширилган.

Хуршид РАУПОВ тайёрлади

МАСЪУЛИЯТ

XX асрнинг 90-йилларида ўзбек болалар адабиётига бир гуруҳ ёш, умидли қаламкашлар кириб келди. Устозларнинг диққат-эътиборини тортган, эътирофига сазовор бўлган бу ижодкорлар тез орада болалар шеъриятини панднасиҳат, дидактика, қуруқ мақтовлар «тўфони»дан кўнгил деб аталмиш олам кенгликларига олиб чиқа олдилар. Не бахтки, улар ҳаётнинг ўзидек ранг-баранг, туйғулардек инжа сатрлар бита бошладилар. 2-3 тадан китоблари чоп этилиб, ўз ўқувчиларини топишга ҳам улгурдилар.

Асар муваффақиятини сўзга бўлган ҳурмат белгилайди. Ижодкор қанча кўп ўқиса, изланса, мулоҳаза юритса — шунча кўп нарсани билади, имкониятлари кенгайиб боради. Болалар ижодкорлари, аввало ўз сўзи, ижоди билан кичкинтой қалбини маънан бойитишга масъул. Таъбир жоиз бўлса, у сўз воситасида бола қалбида Ватанга, ота-онага, табиатга, борлиққа муҳаббат туйғуларини ундиради. **Назаримда, болалар ижодкорларининг энг катта муаммоси, бу — китоб чоп эттириш масаласидир. Газета-журналлар саҳифаларида эълон қилинаётган даста-даста шеърлар ҳомийлар йўқлиги сабаб китоб ҳолида чоп этилмай қолиб кетмоқда...**

Кавсар ТУРДИЕВА, шоира:

— Болалар адабиётидаги асосий вазифа — ишонарли тасвирлар орқали таъсирли образларни акс эттириш. Болалар учун ёзилган яхши асар худди сеҳрли кўйлакдек ҳаммага бирдек тўғри келиши керак. Аммо ҳозирги пайтда Ҳошимжон каби («Сариқ девни миниб») болаларга ўзлашиб, оммалашиб кетган образлар яратиш муаммоси мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бу нарса эса яна бир муаммо — болалар китобхонлиги, китоб тарғиботи билан ҳам узвий боғлиқ.

Бугунги кунда болалар китобхонлиги ачинарли аҳволда эканлиги ҳаммамизга маълум. Назаримда, бунинг олдини олиш учун яхши асарларни мунтазам нашр қилиб бориш, уларнинг тарғиботини кучайтириш керак. Яна бир жиҳати, болалар қўлига тегадиган илк асарларни олтин тарозида ўлчаб, сўнг уларга тақдим қилиш зарур, деб ўйлайман. Чунки бола қўлига тушган биринчи бадиий асар уни китобдан умуман совутади ёки ашаддий китобхон қилиб қўяди.

Ҳозирги пайтда ёш авлод учун асар ёзаётган ижодкорлар бармоқ билан санарли. Аммо уларнинг китоблари ҳам кўп нусхада босилаётгани йўқ. Ўзим ҳақимда гапирсам, ҳали бирор қалин муқовада салмоқлироқ китобим чиқмади. Учрашувларда шеъларингизнинг қаердан топсак бўлади, деб сўрашади...

Фикримча, болаларни китобга қизиқтириш, уларда бадиий адабиётга ҳавас уйғотиш мақсадида болалар китобхонлик маркази ташкил этилиб, унда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим. Кичкинтойларга аталган китоблар тақдимоти, болалар ижодкорлари билан учрашувлар айнан шу марказда ўтказилиши зарур. Шунда соҳадаги муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшилган бўлармиди?..

Маҳмуд ТЎЙЧИЕВ, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири:

— Болалар адабиётига ихтисослашган нашриётимиз жамоаси кейинги йилларда ёш китобхонларга атаб ўзбек ва жаҳон болалар адабиётининг сара намуналарини чоп этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Жумладан, 2003-2004 йиллар мобайнида 30 номда, 215 минг нусхада китоб чиқарилган бўлса, 2005 йилда 83 номда, 526 минг нусхада турли адабиётларни нашр этишни режалаштирганмиз. Болалар дунёқарашини бойитиш ҳамда уларда ижодий қобилиятни шакллантириш мақсадида «Бор эканда, йўқ экан...», «Дунёни билсам дейман», «Кичкинтойлар мактаби», «Ўзинг бўя, ўзинг ёз» каби туркумлар ташкил этиб, турли рангли-безакли китоблар чиқаришни йўлга қўйдик. **Бироқ афсуски, китобларимиз баҳоси нисбатан арзон бўлишига қарамай жойлардан уларга таклифлар билдирилмаяпти. Шу ўринда тарғибот-ташвиқот ишлари етарлича йўлга қўйилмаганини инкор этиб бўлмайди.**

Бунда биз мутасаддиларнинг ҳам айбимиз бор. Нашриёт китобни чиқариб қўйиб томошабин бўлиб турмасдан, унинг муаллифи билан жойларда учрашувлар уюштириши, халқ таълими тизимидаги мутахассислар билан алоқа ўрнатиб, бўшаб ётган мактаб кутубхоналарига китобларини ўтказишга ҳаракат қилишлари зарур.

Раҳматулла БАРАКАЕВ, филология фанлари номзоди:

— Бугунги кунда республикамизда турли ёшдаги болаларга мўлжалланган қатор газета-журналлар, бир нашриёт мавжуд, радио ва телевиденияда мунтазам эшиттириш ҳамда кўрсатувлар бериб борилаяпти. Бироқ, бир тадқиқотчи мактаб ёки лицейларга бориб, «Сиз қайси асарларни ўқигансиз, машҳур болалар шоир-ёзувчиларидан кимларни биласиз?» деган социологик сўров ўтказса, ишончим комилки, 70-80 фоиз боланинг берган жавоби ҳеч кимни қониқтирмайди. Чунки улар — мактаб дастурига киритилган ва ўқилиши мажбурий асарлардан бошқасини деярли билмайдилар.

Бунинг асосий сабабларидан бири — мактаб ва жамоат кутубхоналари янги китоблар билан таъминланмаётганлигидадир. Агар болаларга оид чиққан ҳар бир китоб мактаб кутубхонасига етиб борса, бу тезда ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ.

Иккинчидан, кейинги йилларда болалар учун китоб нашр қилиш ҳар бир нашриётнинг ўз ишига айланиб қолди. Хўжалик ҳисобига ўтган нашриётлар эса кимнинг пули бўлса, ўшанинг китобини чиқаради. Ўз пулига китоб чиқарган киши уни қаерда сотаяпти, кимга сотаяпти, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Фикримизча, бу борада эришилган ижобий натижалардан унумли фойдаланиш, аввало, ўзбек болалар адабиёти намояндаларининг энг яхши асарларини қайта нашр қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. **Шунингдек, халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг болаларга мослаштирилган нашрлари ҳам кун тартибида турган долзарб муаммолардан бири.** Болаларнинг тиллари бурро бўлиши, сўзларни тўғри талаффуз қилишларига ёрдам берадиган тез айтишлардан ўйин қўшиқларигача, фикрни чархлайдиган масаллардан эртагу достонларгача ушбу сирага киради.

Шу ўринда ўзбек болалар адабиётининг чин маънодаги адабиётга айланишида унинг тадқиқига бағишланган изланишлар ҳам муҳим деб ўйлайман. Болалар адабиёти бўйича тадқиқотлар, гарчи у қадар кўп бўлмаса ҳам, олиб борилаяпти. Албатта, булар етарли эмас. Болалар адабиётининг тараққиёт босқичлари, даврлар ва жанрлар бўйича ўзига хосликлари, унинг ёш авлод маънавий камолотида тутган ўрни бўйича ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Энг асосийси, болалар адабиётига оид тадқиқотлар шунчаки диссертация ҳимояси учунгина бўлмаслиги, у тадқиқотчининг бир умрлик ишига айланиши, изланувчи ўзини чин маънода шу соҳага бағишлаши керак. Шундагина болалар адабиётшунослиги ва танқидчилиги ҳақида қониқиш билан гапириш мумкин.

Лутфулла ТУРСУНОВ, ЎзМУ умумий психология кафедраси катта ўқитувчиси:

— Бола психологиясидаги асосий хусусиятлардан бири — тақлид қилишдир. У кўрган ёки эшитган нарсасидаги энг характерли жиҳатни тезда илғаб олади ва унга ўхшашга уринади. Шу боис болаларда идрок этиш қобилиятининг шаклланиш жараёнида яхши нарсаларга нисбатан қизиқиш уйғотиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, бадиий адабиёт бола психологиясига бевосита таъсир этади. Чунки бирор қизиқарли китоб билан танишган бола тасаввурида ўша асар қаҳрамонлари сиймоси жонланиб, беихтиёр уларга эргаша бошлайди. «Алпомиш» достонини ўқиган ўспирин Алпомишга ўхшаб қаҳрамонликлар қилгиси, халқ эртакларини тинглаган бола ҳаётда эзгуликлар ўрнатиш йўлида курашгиси келади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Агар бунинг тескариси бўлса-чи, мурғак вужудга зарарли туйғулар ўрнашиб қолса-чи? Ёвузлик, худбинлик, нафрат, хоинлик уруғлари бола вужудида илдиз отса-чи?.. Бундан нафақат унинг яқинлари, балки бутун жамият зарар кўради. Бу иллат юқумли бўлиб, «вирус» тушган бола ўз атрофига хайрихоҳларни тўплай бошлайди. Шундай экан, боланинг вужуди соф пайтида уни бадиий адабиёт, спорт воситаларида тарбиялаб зарур, деб ўйлайман.

Бола ҳамиша эътиборга, атрофдагиларнинг кўмагига муҳтож эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу маънода ҳар бир оилада болалар кутубхонаси бўлиши, бола ўқишни билмаганида ота-она мунтазам унга эртаклар, шеър ва ҳикоялар ўқиб бериши керак. Саводи чиққандан кейин унинг нима ўқиётгани ота-она, қолаверса, ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади...

Бадиий адабиёт болалар учун миллий анъана, урф-одат ва қадриятларни ўрганиш манбаидир. Мутолаа жараёнида бу инсоний эҳтиёжлар бола онгида яхлит акс этиб, хотирасига муҳрланади. Чунки болаларда ўқиётган нарсаси билан кўрганини таққослаш хусусияти юқоридир. Биз китобнинг ҳам инсон учун мана шундай зарурий эҳтиёжлардан эканини боланинг онгу шуурига сингдиролсак, уни зарарли иллатлардан асрай олган бўламиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Матназар ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Билдирилган фикр-мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибдики, айни пайтда ўзбек болалар адабиётида мавжуд муаммолар бир ёки бир неча кишининг саъй-ҳаракати билан эмас, балки кенг кўламли тадбирлар орқали ижобий ҳал этилиши мумкин. Шу боис, бугун болалар адабиётига миллатнинг келажагини белгилайдиган муҳим воситалардан бири сифатида қараб, унинг ривожи йўлидаги хайрли ҳаракатларга хайрихоҳ бўлишимиз лозимга ўхшайди.

Биз ушбу мавзу юзасидан ота-оналар, ижодкорлар, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг таклиф ва мулоҳазаларини кутамиз.

Тадбир

КУН ТАРТИБИДА — СОҒЛОМ РАҚОБАТ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес субъектлари ривожланиши учун соғлом рақобат муҳитини таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ўрнатишга муҳим эътибор бермоқда.

Куни кеча бу ерда монополияга қарши ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги масалаларни кенгроқ ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун махсус семинар бўлиб ўтди. Унда қўмита раиси ўринбосарлари, Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази вакиллари, тармоқ бошқармалари бошлиқлари, ҳуқуқий хизмат ходимлари маърузалар қилиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Феруза ИСАЕВА

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

1993 йилда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 22 февралда «Ўзбекистон Республикасида тиббий ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида», 2000 йил 4 мартда эса «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Маълумки, «Соғлом авлод учун» жамғармаси республикамиз аҳолисининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, маҳалла, оилаларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Қуйида жамғарманинг ижрочи директори Дилбар ОЛИМЖОНОВА билан бу йилги режалар хусусидаги суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«АЁЛ ЗОТИ, ОМОН БЎЛИНГ...»

— 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилиниши мамлакатимизда халқ саломатлигини муҳофазалашга янада аҳамият кучайиб бораётганини кўрсатиб турибди. Ҳукуматимиз томонидан инсон соғлиғига бундай ғамхўрлик, айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигига бўлган эътибор ҳар биримизнинг зиммамизга маълум масъулият ҳиссини юклайди. Жамғарма бу йил қандай эзгу ишларни амалга оширишни режалаштирди?

— Жамғармамиз аҳолининг, айниқса, ёш оналарнинг тиббий маданиятини ошириш, гўдакларни тўғри парваришлаш, ногирон болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, оила гигиенаси, соғлом турмуш тарзига эришиш каби йўналишларда фаолият олиб боради. Бу йил грант маблағлари асосида вилоятлардаги 10-12 нафар туғма ва ҳар хил касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган болаларни Германиядаги шифохоналарда даволанишга юбориш ҳамда республикамизнинг турли туманларидан 200 нафар болани юз жарроҳлик бўйича хорижда муолажа олишини ташкил этамиз. Шунингдек, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, турли хил спорт турларига жалб этиш, ёшларни гиёҳвандликдан, юқумли касалликлардан, СПИДдан сақлашга қаратилган тадбирларни режалаштирдик.

Биз Сиҳат-саломатлик йили Давлат дастури ишлаб чиқарилиши жараёнида фаол иштирок этдик, 16 та таклифимиз унда ўз аксини топди. Дастурнинг биринчи йўналиши бўйича 6-бандида кўрсатилган ёшлар ўртасида «Чимён экофестивали»ни ўтказиш белгиланган эди. Жамғармамиз республика тоғ чанғиси федерацияси билан ҳамкорликда мана уч йилдирки экофестиваль ўтказиб келяпти.

— Дилбар Маъруфовна, экофестивалдан қандай мақсад кўзланган?

— Фестивалда, асосан, ёшлар иштирок этади. Мақсадимиз — ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир. Кўҳна тарихдан маълумки, қадимдан ёшларимиз қайноқ қалб, жасур, довюракликка интилади, қалбларида жасоратга иштиёқ кучли бўлган, генофондимиз шундай. Бугунги куннинг ёшларида спорт турларига қизиқиш катта. Аммо ёшларнинг куч-ғайрати ҳам асос, уни тўғри, эзгу мақсадлар йўлига йўналтириш муҳимдир.

Бу, тадбир натижасида ёшлар ҳур, эркин фикрлашни, спорт турлари билан тўғри ва оқилона шуғулланишни ўрганадилар. Яна бир муҳим жиҳатни таъкидлашни истардим: ёшлар юртимизнинг энг сўлим гўшаларидан Чимённинг табиати билан танишадилар, атроф-муҳитни соф сақлашга одатланадилар.

Бу йилги тадбирни амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, шунингдек, кўплаб ҳомийлар ёрдамлашди.

Мана, бу йил ҳам 4-6 март кунлари Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» соғломлаштириш оромгоҳида «Чимён ЭКО — 2005» учинчи фестивали бўлиб ўтди. Унда 500 нафар ёш иштирок этди. Қизиғи, фестивалда катта-ю ёш, меҳнат фахрийлари ҳам қатнашдилар. 12 ёшгача бўлган ғолиблар ёзда Россия Федерациясининг «Огонёк» оромгоҳида дам олиб қайтишади. Бошқа ғолиблар ҳам ҳомийлар томонидан тақдирланди.

— Айтинг-чи, жамғарма бу йил узоқ қишлоқларда қандай тадбирларни амалга оширмоқчи?

— Жамғармамизнинг минтақавий ва барча вилоятларда филиаллари фаолият кўрсатади. Улар жамғармамиз орқали аҳоли орасида кенг кўламда тиббий-ижтимоий патронажни амалга оширадилар, филиалларимизнинг барчаси махсус «амбуланс» — замонавий техник воситаларга эга машина билан таъминланган. Улар энг узоқ ҳудудларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини бепул тиббий кўрикдан ўтказадилар.

Қишлоқларда ҳомиладор аёллар, болалар орасида камқонлик касаллигига қарши кураш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, оммавий спорт турларини тарғиб қилиш, турли хил танловлар ўтказишни режалаштирганмиз. Йил давомида халқ ичида бўламиз, иложи борича уларга маънавий, тиббий кўмак беришга ҳаракат қиламиз. Ўйлаймизки, эл саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатимиз ўз самарасини кўрсатади.

— Аёлларга тилакларингиз?

— Истагим — аёл зотининг сиҳат-саломатлиги, оиласининг тотувлиги, фарзандининг камолоти, йўлида доим уларнинг оғирини енгил қилиш. Негаки, менга жаннати аёлнинг дуосидан улуғ иш, ютуқ йўқ.

Аёл зоти омон бўлинг, дилим ва тилимдаги тилак, шу.

Суҳбатдош Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мушоҳада, мулоҳаза

«СИЗ — АДОЛАТ ТИМСОЛИСИЗ»

Мамлакатимизда янги сиёсий муносабатлар, сиёсий маданият шаклланиб бормоқда. Ҳар биримиз ана шу жараёнларнинг гувоҳи, бевосита иштирокчиси бўлиб турибмиз. Демократик ва фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаронинг жумладан, аёлларнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзилардан аёлнинг сиёсатдан узоқроқ юргани маъқул ёки сиёсат аёлларнинг иши эмас, деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Бундай фикрнинг нотўғрилигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Зеро, Юртбошимиз аёлнинг сиёсий фаоллиги қанча ошса, шу жамиятда тараққиёт бўлишини, адолат янада устуворлик касб этишини такрор-такрор таъкидлаб ўтяпти. Дарҳақиқат, бугунги давр фаол ҳаракатлар, ташаббуслар, изланишлар замонидир.

Мен бир журналист аёл сифатида ҳаётни зийраклик билан кузатишга ҳаракат қиламан. Гоҳида мендан: «Сиёсат»да ишлаш қийин эмасми? — деб сўраб қолишади. Осон ишнинг ўзи йўқ. Ҳаммаси инсоннинг ҳаракатига, қизиқишига, интилишига боғлиқ. Назаримда, ҳар бир аёлнинг қалбида Ватан, юрт, халқ ва миллат тақдирига масъуллик ҳисси бўлиши керак. Негаки, сиёсий фаол бўлган аёлнинг фарзанд тарбиясига қарашлари, мушоҳадаси бошқача бўлади, чунки у ҳаётга ўта зийрак нигоҳ билан қарайди. Сиёсатдан воқиф онанинг боласи ҳар хил тўдалардан йироқ, эътиқоди бутун бўлади. Аёл учун сиёсий онг, билим, гўзал фазилат унинг маънавий дунёсини безаб туради.

Узоқ йиллардан буён «Сиёсат» студиясида ишлар эканман, ушбу фазилатларнинг нафақат ўзимда, балки фарзандларимда ҳам шаклланиб бораётганидан қувонаман. 1994 ва 1999 йилги сайловларда журналист сифатида иштирок этдим. Ўтган сайловда республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодим қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, бу жараён мен учун катта ҳаётий сабоқ бўлди. Сиёсий жараёнларнинг янги қирраларини кашф этдим.

Сайловолди учрашувларида баъзи хотин-қизларимиз ҳаётида айнан, шу сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллик етишмаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар бисёр. Аёллар бу вазифаларнинг жамият равнақи йўлида нақадар муҳимлигини, энг аввало, уларнинг ўзлари теран англаб етишлари зарур. Президентимиз таъкидлаганидек: «Аёллар оламни гўзал, меҳрли ва адолатли қилиш учун яратилган!»

Эътибор қилинг-а... «гўзал, меҳрли ва адолатли қилиш учун...» Дарҳақиқат, аёл адолат тимсоли.

Инобат НОРМУРОДОВА, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Сиёсат» студияси катта муҳаррири.

Китоб жавонингизга

АВТОМОБИЛСОЗЛИК ФАНИДАН ДАРСЛИК

Яқинда техника фанлари соҳасининг етук олимларидан Жасур Қулмуҳамедов, Эгамберди Каримов, Ҳамза Муҳамедов, Анвар Охуновларнинг республика Олий ва ўрта таълим вазирлиги касб-ҳунар коллежлари учун «Автомобиллардан фойдаланиш ва автотранспортда меҳнат муҳофазаси» номли дарслик китоби босмадан чиқди.

Маълумки, республикамизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида янги ўқув-методик адабиётлар, давлат стандарти, ўқув режаси, курсларнинг янги дастурлари ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига жорий этилмоқда. Мазкур дарслик юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатлари асосида тайёрланган бўлиб, бугунги кун талаблари инобатга олинган.

Дарслик ўн икки бобдан иборат. Китобда муллифлар Ўзбекистон ҳудудида автомобилсозликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, истиқболларига оид илмий маълумотларни манбааларга суянган ҳолда таҳлил қилиб берган. Бир сўз билан айтганда, ушбу китоб автомобилсозлик ҳақида давлат тилида чоп этилган қалдирғоч қўлланмалардан бири сифатида ҳам қадрлидир.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 254

11400 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.30.
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

«САМАРҚАНД-Д» — ОЛИЙ ЛИГАДА

Саноқли кунлардан кейин футбол бўйича XIV миллий чемпионат ўйинлари бошланади. Бу кунни ишқибозлар ҳам, футболчилар ҳам орзиқиб кутишмоқда. Қишнинг инжиқ об-ҳавосига қарамай барча жамоалар мавсумга қизғин тайёргарлик кўришди. Фақатгина «Сурхон» жамоаси қиш бўйи «мудраб» ётди. Ўтган йили олий лигада ўрнини зўрға сақлаб қолган термизликлар тайёргарлик ишларини қониқарсиз ўтказган. Ўзбекистон Футбол федерациясининг бир неча огоҳлантиришларидан сўнг ҳам ўзгариш бўлмагач, «Сурхон» олий лига ўйинларидан четлатилди.

Шундан сўнг, ўтган йили ўн учинчи ва ўн тўртинчи ўринларни эгаллаб, биринчи лигага тушиб кетган «Самарқанд — Динамо» ва «Андижон» жамоаларининг шароити ўрганиб чиқилди. 8 март куни мазкур жамоалар ўзаро учрашди ва Анвар Ғофуровнинг ягона тўпи самарқандликларга ғалаба келтирди. Энди «Самарқанд — Динамо» олий лига баҳсларида иштирок этади.

«МАНЧЕСТЕР» ЎЙИНДАН ЧИҚДИ

Европа чемпионлар лигасининг чорак финалига чиқиш учун ўтказилган учрашувлар мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Хусусан, Чукотка губернатори Роман Абрамовичнинг «Челси» клуби нимчорак учрашувларини кўтаринки рухда ўтказди. «Челси» футболчилари жавоб учрашувини Лондонда «Барселона» билан ўтказиб 4:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ваҳоланки, биринчи ўйинда «Барселона» 2:1 ҳисобида устун келган эди. Шундай қилиб, «Челси» чорак финалда курашни давом эттирадиган бўлди. Мухлислар умид боғлаган «Манчестер Юнайтед» клуби эса кутилмаганда ўйиндан чиқди. Италиянинг «Милан» футболчилари «Манчестер» билан икки учрашув ўтказиб, муваффақият қозонди ва чорак финалга йўлланма олди. Шунингдек, Франциянинг «Лион» клуби ҳам Германиянинг «Вердер» футболчиларини 3:0, 7:2 ҳисобида доғда қолдириб, чорак финалга чиқди.

ИНДОНЕЗИЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 2:3

Спорт

Теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати саналган Дэвис кубоги баҳслари қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг Осиё — Океания минтақаси биринчи гуруҳи учрашувларида қатнашяпти.

4-6 март кунлари ракеткачиларимиз Жакартада Индонезия вакилларига қарши кортга чиқдилар. Аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бир қатор умидли ёшларни таркибга жалб этган терма жамоамиз мезбонларга нисбатан анча устун эканликларини намойиш этишди.

Дастлабки учрашувда Индонезиянинг биринчи ракеткачиси Суванди Сувандига қарши кортга чиққан Денис Истомин уч сетни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди — 6/3, 6/2, 6/4. Мезбонлар вакили Прима Симпатияжи ва Фаррух Дўстов ўртасида кечган баҳсда эса вакилимиздан омад юз ўгирди — 1/6, 2/6, 4/6.

Жуфтликлар ўртасидаги учрашувда теннисчиларимиз Мурод Иноятов/Денис Истоминларнинг анча тер тўкишига тўғри келди. Бироқ, бу сафар ҳам тажриба ўз сўзини айтди. Суванди Суванди/Бонит Враван катта қийинчилик билан индонезияликлар ғалабасини таъминлади — 4/6, 6/4, 6/3, 4/6, 6/4.

Мусобақанинг учинчи куни теннисчиларимиз ҳар бир очко учун муросасиз курашдилар ва ўзларига билдирилган ишончни оқлашди:

Суванди Суванди — **Фаррух Дўстов** — 5/7, 5/7, 6/4, 6/2, 3/6.

Прима Симпатияжи — **Денис Истомин** — 6(7)/7, 6(5)/7, 0/6.

Гуруҳдаги қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Таиланд — Покистон — 2:3, Хитой-Тайпейи — Япония — 3:2, Ҳиндистон — Хитой — 5:0.

29 апрель — 1 май кунлари ўтадиган навбатдаги учрашувда теннисчиларимиз Ҳиндистон терма жамоасига қарши кортга чиқадилар. Гуруҳдаги иккинчи баҳсда Покистон ва Хитой-Тайпейи вакиллари ўзаро куч синашади.

ДУНЁ АЛПЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Мамлакатимиз пойтахти кейинги йилларда нуфузли спорт мусобақалари марказига айланиб бормоқда. 12-13 март кунлари эркин кураш бўйича бўладиган Жаҳон кубоги беллашувлари ҳам айнан Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўтказилади. Унда юртимиз полвонларидан ташқари, дунё таснифида етакчи поғоналарни банд этган Россия, АҚШ, Эрон, Украина ҳамда Куба давлатлари курашчилари ҳам гиламга чиқадилар.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясидан олинган маълумотларга қараганда, ушбу йирик мусобақада Ватанимиз шарафини Адҳам Очилов (55 кг.), Дилшод Мансуров (60 кг.) Дамир Захартдинов, Артур Тавказахов (иккаласи ҳам 66 кг.) Сослан Тагиев (74 кг.), Магомед Гаджилалов, Руслан Хинчагов (иккаласи ҳам 84 кг.) Жалол Қурбонов (86 кг.) ҳамда Мансур Мирзаев (120 кг.)лар ҳимоя қилишади.

«НЕФТЧИ»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси баҳсларига старт берилди. Мусобақанинг «С» гуруҳида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари илк учрашувда Кувайтнинг «Ал-Қувайт» жамоасига қарши майдонга чиқди.

Аслида бу ўйин Фарғонада ўтказилиши лозим эди. Бироқ, айрим сабабларга кўра, мазкур учрашув пойтахтимиздаги «Жар» ўйингоҳида ўтказилди. Шунга қарамай, фарғоналиклар ўз ишқибозларини хурсанд қилишди —1:0. Ғалаба тўпини рақиблар дарвозасига Акмал Ҳолматов киритди.

Шунингдек, кеча ОЧЛнинг «Д» гуруҳида» тўп сураётган мамлакатимиз чемпиони — «Пахтакор» жамоаси Сурияда «Ал-Жаиш» (Дамашқ) футболчилари меҳмони бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

ЧАВАНДОЗЛАР ОТ ЧОПТИРИБ...



Мустақиллик йилларида миллий ўйинларимиз алоҳида қадр топди. Булар орасида айниқса, улоқ-кўпкари спорт тури янгича мазмун ва шакл касб этди. Аслида «улоқ» узоқ тарихга эга. Унинг ривожланиш босқичи турлича. Бизгача «Оломон-улоқ» таркибидаги «Қоқма», «Чорток», «Ялов» сингари ўйин турлари етиб келган. Айни пайтда Ўзбекистон улоқ федерацияси бу миллий ўйинимизни бошқа спорт турлари каби халқаро майдонга олиб чиқиш йўлида астойдил изланмоқда.

Сир эмас, қадимда оломон-улоқ асосан чегарасиз майдонда оддий қоидалар асосида ўтказилган. Унда саноқсиз чавандозлар иштирок этиб, ўйин учун кенг майдон — нотекис жойлар, яъни сойлар ўзани, адирликлар танланган. Улоқни рақибидан куч билан тортиб олиш ва уни сомон тўқилган доирага келтириб ташлаш асосий шарт қилиб белгиланган. Бундан ташқари, айрим ғирром чавандозлар улоқни билак кучи ва тақимига олиб чополмаганлари боис, уни пойчасидан узангига тугиб ёки оёқ бетига олиб, баъзида чилвирга боғлаб маррани забт этганлар. Бундай ҳолат норозилик ва низоларни келтириб чиқариши тайин. Шунинг учун ҳам бундай кўринишларни бекор қилиш, ноаниқликларни бартараф этиш, уни халқаро майдонга олиб чиқиш ва келажакда Олимпия ўйинлари дастурига киритиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Улоқ-кўпкари беллашувларини жамоа шаклида ўтказиш учун янги қоида ишлаб чиқиш муаммосини ҳал қилиш йўлида узоқ вақт изланишлар олиб борилди.

1992 йилда бунга қисман эришилди. Яъни, Самарқанд вилоятида янги қоида асосида улоқ-кўпкари мусобақаси ўтказилди. 1993 йилда Тошкент отчопарида илк бор улоқ-кўпкари бўйича республика чемпионати уюштирилди. Мусобақа натижасига кўра, Тошкент вилояти вакилларига биринчи, Самарқанд ҳамда жиззахликларга кейинги фахрли ўринлар насиб этди.

Эндиликда чавандоз бўлишни орзу қилган ёшларимизнинг нафақат тўйларда, балки янги ишлаб чиқилган халқаро улоқ қоидасига кўра, мусобақаларда ҳам қатнашиш имкониятлари пайдо бўлди. 1999 йил 27-29 ноябрь кунлари янги қоидалар асосида Навоий вилоятида биринчи маротаба халқаро турнир улоқ-кўпкари шоуси уюштирилди.

Шунингдек, иқтидорли чавандозларни аниқлаш мақсадида 1995 йилдан бошлаб турли йилларда Самарқанд ва Навоий вилоятларида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» ҳамда «Туркистон» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари совринлари учун ўтказилган халқаро турнирлар ҳам улоқ-кўпкари спорт тури ривожига алоҳида ҳисса қўшди.

Тобора қадр топиб бораётган ушбу миллий спорт туримиз бўйича бу йил ҳам кўплаб мусобақалар ўтказиш режалаштирилган. Жорий йилдаги баҳсларни 10-13 март кунлари Самарқанд шаҳрида бўладиган Ўзбекистон чемпионати бошлаб беради. Мазкур мусобақада Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистондан энг сара чавандозлар қатнашиши кутилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон улоқ федерацияси Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда чемпионат олди ҳозирлик ишларини поёнига етказаётир. Ушбу чемпионат мамлакатимиз чавандозлари учун шу йил ноябрь ойида Бухорода бўладиган Осиё биринчилиги олдидан муҳим синов вазифасини ўташи шубҳасиз.

Ўткир ПЎЛАТ

ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

мижозларга замонавий банк хизмат турларини жорий этган ҳолда «Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.

Мазкур паластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шахобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.

Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари даҳлсизлигини ошириш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.

«Ишонч» ва «Барка» пластик карточкаларига Халқ банкининг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.

Халқ банкининг пластик карточкалари — бу Сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси Халқ банкининг Самарқанд вилояти филиали собиқ бошлиғи **Ўктам Муҳиддинович ҲУСАИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси «Матбуот» кафедрасининг доценти Шавкат Миралимовга оналари **МАХСУДА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.